# 12 НАФАР ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ СУННАТ ТЎЙЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Шунингдек, тўй болаларга ҳамда уларнинг ота-оналарига ташаббускорлар томонидан совға-саломлар ва Табрикномалар топширилди. Чиройли дастурхон атрофида йиғилган тўй болаларнинг яқинлари эса шўх куй-қўшиқларга яйраб рақсга тушишди. Шунингдек, тадбир давомида Россия Федерациясининг Владивосток шаҳрида ёшлар ўртасида спортнинг дзюдо тури бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ўз вазни тоифасида фахрли 1-ўринни қўлга киритган Шеробод туманининг “Қишлоқбозор” маҳалласида истиқомат қилувчи Асадбек Мирсаидов, қолаверса, бугунги тадбирни ташкил этишда алоҳида меҳнат қилган фаоллар ҳам муносиб тақдирланди.